

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ БД-110-1

2011 йил “8” 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 2011 йил
17 сентябрдаги 392-сон буйруғи билан
тасдиқланган

TAJRIBA-SINOV

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
ФАНИДАН НАМУНАВИЙ
ДАСТУР**

(бакалавр йўналиши учун)

Тошкент - 2011

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги З-сон мажлис баёни билан тажрибайи дастур сифатида маъқулланган.

Ушбу дастур “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Тажрибайи дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, 2-Чимбой кўчаси 96-йй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Маънавий-ахлоқий тарбия” бошқармаси, тел.: 246-10-58, 246-10-54.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | |
|-----------------|---|
| Эргашев И. | – сиёсий фанлари доктори, профессор (ДЖҚА) |
| Куронбоев К. | – сиёсий фанлари доктори (ЎзМУ) |
| Отамуротов С | – фалсафа фанлари доктори, профессор (ТКТИ) |
| Ўтамуродов А. | – фалсафа фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ) |
| Хабибуллаева Д. | – тарих фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ) |
| Мусаев О. | – тарих фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ) |
| Рўзиметова Д. | – фалсафа фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ) |
| Шерниёзова Г. | – сиёсий фанлари номзоди, доцент (ҚҚДУ) |
| Холов А. | – катта ўқитувчи (ДЖҚА) |
| Нишанбаева Э. | – катта ўқитувчи (ЎзМУ) |

Тақризчилар:

- | | |
|------------|--|
| Якубов Б. | – тарих фанлари номзоди (ЎзР Олий Мажлиси Спикер ўринбосари) |
| Назаров Н. | – сиёсий фанлар доктори, профессори (МРДИ) |

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-услубий кенгаши томонидан тавсия этилган (2011 йил 19 августдаги 1-сон баённома).

Кириш

Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг ўз олдига демократик ҳукукий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Шу йўналишда жамиятнинг ва давлат қурилишининг барча соҳаларида демократик талабларга мос кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Мустақил тараққиёт йўли давомида мамлакатимизда янги фанлар шаклланиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Ана шу имконият ва заруриятдан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани шаклланиб, ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда фаннинг мақсади, вазифалари ва мазмуни ифодаланган бўлиб, Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида янги тарихий даврнинг бошланиши; Президент Ислом Каримов томонидан демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга тадбиқ этилиши, демократияни шакллантиришда жаҳон тажрибаларига таянилиши, демократияни англаш ва уни шакллантириш, эркин жамият тараққиёти, демократиянинг мазмун-моҳиятини белгиловчи мезонларни ёритишга қаратилган. Зоро, Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик қўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир»¹.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талаба ёшлар онгига демократиянинг назарий асослари ва қадриятларини сингдириш, демократик жамиятда яшаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Фанинг вазифалари:

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети, обьекти, мақсади ва вазифаларини тушунтириш;

Демократиянинг асосий тушунчалари ва қонуниятларини ўргатиш, унинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш

«Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли», «демократия», «дунёвий давлат», «демократик жамият», «демократик онг», «демократик тафаккур» каби тушунчалар мазмун-моҳиятини талabalар онгига сингдириш;

¹ Каримов И.А. Ҳозирги даврда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг долзарб вазифалари. Т.5. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

Демократик жамиятнинг умумбашарий қадриятлари ва тамойилларини ёритиш;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг устувор йўналишларини тушунтириш;

Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичларини кўрсатиш;

Бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш даврида “ўтиш даври”нинг табиийлиги хақида талабаларга тушунчалар бериш;

Қонун устуворлиги демократик, фуқаролик жамияти қуришнинг асоси эканлигини кўрсатиш;

Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлашнинг демократик жамият қуришдаги ролини эътироф этиш;

Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг ўзаро алоқадорлигини изоҳлаш;

Демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ёритиш;

Демократик жамиятни барпо этишда нодавлат нотижорат ва жамоат бирлашмаларининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

Демократик жамият қуришда кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг зарурлигини илмий асослаш;

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигига демократик тамойилларга асосланишини кўрсатиб беришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- демократик жамият тўғрисида назарий билимлар ва уларнинг Ўзбекистонда қўлланилиши тўғрисида;

- Ўзбекистонда ижтимоий-маданий тараққиёт жараёни хақида;

- жамиятнинг социал маданий тараққиёти тўғрисида;

- халқда маданий, ижтимоий, сиёсий тасаввурлар шаклланиши ва тараққиёти тўғрисида;

- демократик бошқарув стратегияси ва этикаси ҳақида;

- демократик тараққиётнинг ўзбек модели ҳақида;

- ўтмиш, бугун ва келажак воқеаларини баҳолашда сиёсий-тарихий тажрибалардан фойдаланиш;

- демократик давлат бошқарув назарияси бўйича тасаввурга эга бўлиши;

- давлат ҳокимияти органлари тизимини билиши;

- демократик давлат бошқаруви тузилмасини;

- демократик давлат қурилиши назарияси моҳиятини билиши ва фойдалана олиши керак.

Фанинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани ўқув режасидаги “Сиёсатшунослик”, “Социология”, “Ўзбекистон тарихи”, “Хуқуқшунослик”, “Фалсафа”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” каби фанлар билан ўзаро боғлиқ. Мазкур фанлар шахснинг сиёсий-интеллектуал камолотида, ижтимоий муносабатларда демократик, умуминсоний қадриятларнинг шаклланишида мухим аҳамият касб этади.

Фанинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани соҳасида эгалланган билимлар инсоннинг мақсадини аниқлашда, демократик жамиятда яшаш кўникмасини шакллантиришда, хуқуқий тенгликка амал қилишга, ижодий фаолияти жараёнида бурч ва масъулиятни хис қилишга ижобий таъсир қиласи. Инсоннинг дунёда ўз ўрнини англашда, мақсадли фаолият юритишда, демократик жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда намоён бўлади.

Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанини ўқитиши жараёнида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, объективлик тамойилларига амал қилингани ҳолда анъанавий усуллар, давра сухбати, кластер, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, матбуот конференцияси, тақдимот каби замонавий педагогик технология воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фанни ўзлаштириш мобайнида интерфаол усулларнинг турли шаклларидан, замонавий электрон техника воситаларидан, кўргазмали куроллардан кенг фойдаланилади.

I БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИНИГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг объекти ва предмети. Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаёти ва ундаги ўзгаришлар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш шарт-шароитлари, омиллари ва амал қилиш қонуниятларини ўрганиш. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанинг мақсади – ёшларда Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда умумэътироф этилган демократик тамойиллар ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари тўғрисида билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш.

Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва амал қилиш қонуниятлари.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ёшларни демократик давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар, қарашлар, назария ва таълимотлар билан таништиришнинг аҳамияти.

Фаннинг асосий тушунчалари ва унинг қонуниятлари. Демократик жамиятга доир бўлган умумий тушунчалар. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанини билан бевосита боғлиқ тушунчалар. “Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос мустақил тараққиёт йўли”, “демократия”, “хуқуқий давлат”, “фуқаролик жамияти”, “демократик жамият”, “демократик онг”, “демократик тафаккур”, “демократик жамиятнинг миллий-маънавий негизлари”, “миллий давлатчилик”, “демократик жамиятга ўтиш даври” ва “ўзбек модели”, “демократик жамиятнинг умумбашарий қадриятлари ва тамойиллари”, “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг устувор йўналишлари”.

Демократик жамият қуришнинг умумжаҳон эътироф этган қонуниятлари ва унинг Ўзбекистонда ўзига хос тараққиёт йўлининг мавжудлиги, Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий-маданий меросга таяниш. Миллий давлатчилик негизларини ҳисобга олиш. Унинг амалий жиҳатлари. Мамлакатимизда демократик жамиятни барпо этишда сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанини ўрганишнинг аҳамияти.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон заминида демократия ва адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар. Унинг манбалари ва ривожланиши. «Авесто»да эзгулик, инсоний ва адолатли жамият бошқарувига доир қарашлар.

Ўзбекистон худудида миллий давлатчилик негизлари. Ҳокимлик институтининг вужудга келиши. IX-XII асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатни бошқариш ва адолатли жамиятга доир ғоялар. Амир Темурнинг давлат ва жамият ишларини ташкил этиш тузуклари. Унинг адолатли салтанат ва жамият бошқарувида қонун устуворлигига доир қарашлари. Юсуф Хос Хожиб, Низомулмулк, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва бошқаларнинг адолатли давлат, одил жамият, инсон эркинлиги, эзгулик, маърифат тўғрисидаги ғоялари.

XV-XIX асрларда давлат ва жамият қурилишининг ижтимоий-сиёсий ҳолати. Миллий давлатчилик негизларидан маҳрум бўлиш сабаблари ва унинг оқибатлари. Уни тиклашга бўлган уринишлар. Жадидларнинг миллий давлатчилик ва адолатли жамият қурилишига доир маърифатпарварлик ғоялари.

Собиқ шўролар даврида Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг ўзига хос хусусиятлари. Ягона партия ва давлат манфаатларининг устуворлиги. Марказлашган маъмурӣ бошқарув. Демократияни синфий тушуниш. Тоталитаризм ва унинг оқибатлари. Унинг демократик жамиятга зидлиги.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Миллий мустақиллик ва демократик ўзгаришлар сари йўл тутилиши. Ўзбекистонда президентлик институтининг жорий этилиши. Мустақиллик декларацияси билан боғлиқ ғоялар ва қарашлар. Ислом Каримов — янги, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг назарий-методологик асослари ишлаб чиқилишининг аҳамияти.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ”

Демократик жамият қуришнинг турли хил миллий моделларининг мавжудлиги. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва “ўзбек модели”. Унинг моҳиятан ўзаро муштараклиги. Ислом Каримов томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш ва “ўзбек модели”да демократик жамият қуришга доир тамойилларнинг асосланиши. Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги. Давлат бош ислоҳотчи. Қонун устуворлиги. Кучли ижтимоий ҳимоя. Босқичма-босқич ривожланиш.

“Дунёвий давлат” ва “миллий давлатчилик” тушунчалари. “Ўзбек модели”нинг жамият ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳёт соҳаларида намоён бўлиши. Унинг Ўзбекистонда демократик жамият қуриш хусусиятларига мослиги. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнларида инсон эркинлиги, ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлиги. “Ўзбек модели”ни ҳалқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилиши ва унинг аҳамияти. Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Очиқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш. Таракқиётнинг “Ўзбек модели”нинг демократик ўзгаришларни янада бойитишдаги аҳамияти.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДА ЎТИШ ДАВРИ ВА ТАРАҚКИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

“Ўтиш даври” тушунчаси. Мустақилликни қўлга киритган барча мамлакатлар учун унинг зарурлиги ва моҳияти, умумий қонуниятлари. Унинг ҳар бир давлат учун хос бўлган хусусиятларининг мавжудлиги. Ўтиш даврининг: “класик”, “инқилобий”, “эволюцион” йўллари. Демократик жамият қуришда ўтиш даврини “ањанавий” ва “инқилобий” тушунишнинг чекланганлиги. Ўзбекистонда “ўтиш даври”га ёндашишнинг ўзига хос жиҳатлари. Эволюцион, тадрижий ривожланиш йўлининг моҳияти. Унда ҳар бир мамлакат ва ҳалқларнинг ўзига хос менталитети, турмуш тарзини ҳисобга олиш зарурлиги. Демократик жамият қуриш вазифаларининг босқичма-босқич амалга оширилиши.

Ислом Каримов томонидан демократик жамиятга ўтишга доир назарий ва концептуал асосларининг ишлаб чиқилиши. Ислом Каримов ўтиш даври ва тараққиёт босқичлари тўғрисида. Ўзбекистоннинг тоталитар режим ва мустамлака мамлакатдан демократик жамиятга ўтишда ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари, урф-одат, анъана ва қадриятларига таяниши. Ўтиш даврида эришилган ютуқлар ва афзалликларининг жамиятимиз ҳаётида кўринишлари. Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислоҳот ва ўзгаришлар. Маъмурий ислоҳотлар амалга оширилиши. Марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимини тугатилиши. Миллий давлатчилик, хукуқий давлат ва фуқаролик жамияти негизларининг тикланиши. Мустақил тараққиёт босқичлари. Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-хукуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиниши. Ахборот соҳасидаги хукуқ ва эркинликларни таъминланиши. Демократик сайлов тизимининг шакллантирилиши. Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг аҳамияти

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Демократик жамиятнинг миллий ва умумбашарий тамойиллари. Демократия – миллий ва умумисоний қадрият эканлиги. Қадрият тушунчаси ва унинг моҳияти. Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий ва умумбашарий тамойилларга таяниш тўғрисида.

Миллий маданий мерос ва қадриятларнинг демократик жамият қуришда акс этиши. Унинг тарихийлиги ва замонавийлиги. Демократик жамият барпо этишда миллий қадриятларни тиклашга бўлган зарурат. Демократияни миллий манбаатларга зид “зўрма-зўракилик” билан жорий қилиб бўлмаслиги. Миллий қадриятлар ва демократик тамойиллар ўртасида мутаносибликка эришишнинг жаҳон тажрибаси.

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлашуви. Демократик тамойилларга амал қилиш шарт-шароитлари. Қонун устуворлиги. Демократия ва шахс эркинлиги. Фуқароларнинг хукуқ ва манбаатларининг устуворлиги олий демократик қадрият эканлиги. Демократик тараққиётнинг хилма-хиллиги. Дунёда турли халқлар, турли маданиятлар бор жойда демократия ўзига хос миллий хусусиятларга, қадриятларга таянса, ўзининг амалий самарасини бериши мумкинлиги. Унинг маҳаллий, миллий, минтақавий ва умумисоний қадриятларда намоён бўлиши. Терроризмнинг демократик жамият қуришга қарши қаратилган хавф-хатар эканлиги.

Мустақиллик ва Ўзбекистон жамияти маънавий негизларининг ўзгариши. “Маънавий тикланиш” ва “маънавий янгиланиш” тушунчалари. Уларнинг зарурлиги. Уларга янгича муносабат. Мустақиллик ва демократик жамият қуришда миллий-маънавий мероснинг янгича маъно ва мазмун касб этиши.

“Миллий-маънавий меърос” тушунчаси. Унинг мазмун ва моҳияти. Миллий-маънавий негизларга таяниш ва уларни тиклашга бўлган заруратнинг сабаблари. Демократик жамият қуришда халқимизнинг кўп асрлик давлатчилик ва жамият қуришдаги анъаналарининг ҳисобга олиниши.

Агресив миллатчилик, миллий айирмачилик, буюк давлатчилик шовинизми, экстремизм ва терроризмнинг демократия ва миллий-маънавий негизларга зидлиги. Маънавият ва илм-маърифатнинг бош мезони — инсонийлик, унинг асосий мақсади — Ватанга садоқат билан хизмат қилиш. Миллий маънавий негизларнинг демократик жамият, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдаги ўрни. Демократия, миллий-маънавий тикланиш ва барқарорлик.

Маънавий тикланиш ва янгиланишнинг демократик жамият қурилишидаги аҳамияти. Баркамол шахс – барқарор тараққиёт ва демократик жамият мезони.

Миллий-маънавий ўзгаришларнинг давлат ва жамият қурилишида акс этиши. Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг маънавий янгиланиш билан боғлиқлиги. Унинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва истиқболлари.

Ўзбекистонда адолатли, демократик жамият барпо этишда миллий қадриятлар ва умуминсоний демократик тамойиллар билан уйғунлаштирилишининг аҳамияти. Жамият ҳаётини демократик янгиланишда миллий хусусиятларни ҳисобга олиш. Мустақил Ўзбекистон давлат сиёсатининг инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланиши.

II БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ, ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ –ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ

Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланиши. “Қонун устуворлиги” тушунчаси. Ўзбекистонда давлат хокимиятининг бўлиниш тамойили. Президентлик институти. Қонун чиқарувчи. Қонунчилик палатаси ва Сенат. Вазирлар Маҳкамаси. Ижро этувчи ва суд ҳокимияти. Суд мустақиллиги. Давлат органларининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий ва давлат тузилиши. Давлат ҳокимияти органлари мустақиллигининг амал қилиши ва масъулияти.

Конституция ва қонунларда адолат ҳамда инсон манфаатларининг устуворлиги. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга амал қилишининг умумий тамойил эканлиги.

Конституцияга ва демократияга зид бўлган қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг бекор қилиниши лозимлиги тамойили. Қонун устуворлиги тамойилининг Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти. Ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш заруряти. Қонун устуворлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқилиши. Фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортиши. Демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилиши. Бозор иқтисодиёти асосларининг қонунчилик базасини шакллантирилиши.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш тушунчаси, маъно-мазмuni. Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципи. Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш. Суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш.

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, икки палатали миллий парламентнинг вужудга келиши. «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларнинг мазмун-моҳияти. Кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши. Давлат ҳокимиятининг учта субекти, яъни давлат бошлиги - Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишининг таъминлаши. Сайловларда ютиб чиқсан сиёсий партиянинг Бош вазир номзодининг кўрсатиши ва унинг парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши. Сиёсий тизимни модернизация қилишни такомиллаштириш жараёни. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича амалга оширилган конституциявий ўзгаришлар ва унинг аҳамияти.

ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОРИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

“Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги” тушунчаси. Унинг ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихидаги талқинлари. Абу Наср Форобий комил инсон ва фозил жамоа тўғрисида.

Инсон фаоллигининг асосий мезонлари. Инсон салоҳияти демократик ўзгаришларнинг энг фаол ва бунёдкор омили эканлиги. Инсон ва жамият. Ҳозирги давр демократик қадриятлар тизимида инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари.

Президент Ислом Каримов демократик жамият қуришда инсон ва шахс эркинлиги, фаоллигини юксалтириш концепцияси. Ўзбекистонда инсон фаоллигини ошириш демократик жамият қуришнинг асосий омили эканлиги. Фуқаролар фаоллиги ва масъулиятини оширишнинг барқарор жамият ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги ўрни. Фуқаролар эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш – демократик жамият қуришнинг бош мақсади. Ёшларнинг демократик жамият қуришда иштироки, уларнинг фаоллигини ошириш йўллари ва омиллари.

Демократия – фуқаролар ижтимоий фаоллигини ошириш, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг зарурый шарти. Инсоннинг сиёсий ижтимоийлашуви ва фаоллашув жараёнлари. Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантиришда фуқароларнинг қонун ва қарорлар қабул қилишдаги фаол иштироки. Унинг фуқаро эркинлиги ва фаоллигини оширишдаги аҳамияти. Халқ фикри – олий мезон эканлиги. Очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш. Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институтларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти.

ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

Демократик жамиятда “иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш” тушунчаси ва мазмуни. Тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими иқтисодиётидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш – демократик жамият қуришнинг асосий шарти эканлиги. Эркин бозор иқтисодиёти ва демократик жамият тамойилларининг ўзаро боғлиқлиги.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бошқарув ваколатларини чеклаш ва номарказлаштириш. Сиёсий ислоҳотларни такомиллаштириш ва иқтисодий тараққиёт. Ислом Каримовнинг маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги тўғрисидаги концепцияси.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ижтимоий-иқтисодий негизи. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари. Хусусий мулк ва мулкдор. Истеъмолчилар хуқуqlари ва танлаш эркинлигининг устунлиги. Тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги. Рақобатнинг демократик жамият барпо этишдаги ўрни.

Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш.

Бозор инфратузилмасини ривожлантириш. Хусусий сектор миқёсларини кенгайтириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш. Тадбиркорлик тизимида оиласиб бизненинг ўрни. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозори. Ўрта мулқдорлар қатламини ривожлантириш. Тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш – демократик жамият барқарор ривожининг зарурий шарти.

Иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш. Хусусий мулкнинг хуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш. Мулкдорлар хуқуқларининг кафолатлари таъминланлашни такомилаштириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш. Бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг қонунчилик базасини шакллантириш. «Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида», «Риэлторлик фаолияти тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиниши. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури мазмун-моҳияти. Иқтисодиётда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олиш демократик жамият қуришнинг шарти эканлиги.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДА ҚУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда “кучли ижтимоий ҳимоя” ва “ижтимоий адолат тамойиллари” тушунчалари. Уларнинг мазмун ва моҳияти. “Адолат” ва “тенглик”нинг умуминсоний демократик қадриятлар эканлиги. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий адолат ва ҳимоя ҳақидаги ғоялари ва қарашлари.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимояни жамиятда тартиб, уйғунлик ва барқарор тараққиётини таъминлаш омили сифатида қаралишининг асослари.

Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш тўғрисидаги концепцияси. Ижтимоий ҳимоя ғоясининг адолат ва либерал демократия ғоялари билан боғлиқлиги. Ҳимояга муҳтоҷ социал гурухларнинг ижтимоий ҳолати. Ижтимоий адолат ва бозор муносабатлари.

Демократик жамиятда адолат ва ижтимоий ҳимоянинг муштараклиги. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати: унинг мақсади, босқичлари, хусусиятлари, ривожланиши.

Демократик жамиятда турли қатламлар, гурухлар манфаатларини уйғулаштиришда ижтимоий адолат мезонлари ва ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг барқарор тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти.

Демократик жамиятда оила институтининг ўзига хослиги. Оилада демократик онг, тафаккур ва ҳаётнинг дастлабки шаклларининг қарор топиши. Оиланинг ҳуқуқий демократик асослари. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат ҳаражатларининг ўсиб бориши. Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларни қўллаб-куватлаш бўйича давлат дастурларини амалга оширилиши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУЛARIНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШУВИ

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни. Маҳаллий давлат ҳокимиятининг асослари. Мамлакатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг шакллари. Уларнинг фуқаролик жамияти қуришдаги роли. Маҳалла – фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш негизи сифатида.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосидаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг тикланиши ва ривожланиши. Бошқарувни номарказлаштиришни такомиллашуви. Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида. Маҳалланинг фуқароларни демократик қарорлар қабул қилишда иштирокини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ўрни. Маҳаллий давлат ҳокимияти айrim ваколатларини ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиб бориш жараёни. Унинг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишининг аҳамияти. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш. Давлат ҳокимияти ва бошқарувни органлари томонидан қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛариНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Фуқаролик жамиятини қуриш Ўзбекистоннинг пировард стратегик мақсади. Фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси, унинг тузилиши ва таркиби. “Нодавлат нотижорат” ва “жамоат бирлашмалари” тушунчалари. Уларнинг маъно ва мазмуни. Ўзбекистонда хукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни. Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партиялар фаолиятининг хукуқий асослари.

Кўп partiya вийлик – демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Ўзбекистонда “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концепциясининг амалга оширилиши фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти. Мамлакатимизда халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ролини ошиб бориши. Мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтирилиши. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишни такомиллаштиришнинг фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти.

АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ахборот эркинлигини таъминлаш тушунчаси, мазмун-моҳияти. Оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи ҳокимият сифатида давлат ҳокимиятидаги ўрни. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги хукуқ ва эркинликларини таъминлаш. Оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурияти.

Ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш. Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш. Нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашнинг зарурияти. Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди фаолиятини такомиллаштириш.

Ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини ривожлантириш. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш. Ахборот коммуникациялари соҳасини ривожлантириш. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлашда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш. Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш. Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидағи ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИШИ

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг Халқаро ҳамжамиятга қўшилишидаги демократик тамойиллари концепцияси. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти муносабатларининг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий, илмий асослари.

Жаҳон ҳамжамияти ва демократик жараёнлар. БМТ ва Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон - АҚШ стратегик ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг Евropa, Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларда демократик институтларни ривожланиши. МДҲ давлатларида демократик ислоҳотларнинг ривожланиш жараёни. Ўзбекистон-Россия муносабатлари. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги ўрни. Халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашида ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти. Марказий Осиёдаги демократик жараёнлар ва давлатлараро ҳамкорлик. Марказий Осиё давлатлари ҳамжиҳатлигини ривожлантириш заруриятини кўчайиши. Демократиянинг умуминсоний тамойилларини ривожлантиришда давлатлараро ҳамкорлик. Фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришда ҳамкорлик. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги тизимида миллий манфаатларнинг устуворлиги. Халқаро терроризмнинг демократияга, жаҳон ҳамжамияти ҳамкорлигига таҳдид солувчи куч эканлиги. Уни бартараф этишда жаҳон ҳамжамияти ҳамкорлигинининг ўрни. Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ривожланиши ва истиқболлари. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон мавқеининг ошиб бориши.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани бўйича семинар машғулотларида маъruzada баён қилинган назарий билимларни мустаҳкамлаш, фан бўйича олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва билиш қобилияtlарини ўстириш, назарий ўқитиши жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётга тадбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Семинар машғулотлари давомида ўқитувчи ва талаба ўртасида икки томонлама яқин алоқа ўрнатилади, жонли сухбат олиб борилади, ўзаро фикр алмашиб ва турлича қарашларни ифода этиш жараёнида фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадини амалга оширади. Бунда замонавий педагогик технологиянинг интерфаол усуслари қўл келади.

Бу усуслар ёрдамида ўtkазилган семинар машғулотларидан асосий мақсад – талабаларнинг фаол ишлаши ва мустақил фикрлаши, ўз-ўзини баҳолаш ва бошқаларнинг фикрларини хурмат қилиш, мустақил ишлаш ҳамда гурухда ишлаш қўникмаларини шакллантиришдан иборат.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ

1. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг предмети ва унинг қонуниятлари.
2. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг мақсади ва вазифалари.
3. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг сиёсий-ҳуқуқий фанлар билан боғлиқлиги ва уларнинг фарқланиши.
4. Мамлакатимизда демократик жамиятни барпо этишда сиёсий институтларнинг роли.
5. Жаҳон сиёсий тизимида демократиянинг ривожланиш босқичлари.
6. Демократик жамият тушунчаси ва унинг асосий тамойиллари.
7. Демократияни шакллантиришда «Темур тузуклари»нинг аҳамияти.
8. Марказий Осиё мутафаккирларининг адолатли жамият тўғрисидаги қарашлари.
9. Ўзбекистонда Президентлик институтининг жорий этилиши.
10. Дунёвий давлат тушунчаси ва унинг асосий белгилари.
11. Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилиши.
12. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ва конституциясининг қабул қилиниши.
13. Жамиятимизда баркамол авлод тарбиясида давлат эътиборининг кучайиши.
14. Ўзбекистон бой имкониятлар мамлакати.
15. Давлат шакллари ва уларнинг аҳамияти.

16. Ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни.

17. Турли маданиятлар мавжуд демократик жамиятларда фуқаролик тушунчаси.

18. Ўзбекистонда демократияни шакллантиришда терроризм таҳдиidi.

19. Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилиши.

20. Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг аҳамияти.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси.

22. Республикада суд мустақиллигининг таминланишида амалга оширилган ислоҳотлар.

23. Истиқлол йилларида миллий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши ва уларнинг янги жамиятни шакллантиришдаги ўрни.

24. Агрессив миллатчилик кўринишлари ва уларнинг салбий оқибатлари.

25. Демократик давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар.

26. Дунёвий динларда эзгулик ғоялари.

27. Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги тушунчаси.

28. Комил инсон тушунчаси ва уни тарбиялаш омиллари.

29. Фуқароларда ижтимоий фаоллик ва унинг демократик жамиятни ривожлантиришдаги аҳамияти.

30. Фуқароларнинг бурчлари ва мажбуриятлари.

31. Бозор иқтисодиёти тушунчаси ва унга ўтиш йўллари.

32. Демократик Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги ўзига хос йўли ва унинг асосий тамойиллари.

33. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши.

34. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштириш ва мулқдорлар синфининг шаклланиши.

35. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни ва имкониятлари.

36. Парламент тушунчаси, унинг моҳияти. Ўзбекистонда парламентаризмнинг ривожланиши.

37. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси: ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва ваколатлари.

38. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси: қонун ижодкорлиги ва парламент назорати.

39. Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ӯзи бошқариш органларининг ўрни.

40. Маҳалла миллатлараро тотувлик маскани.

41. Маҳалла демократия институти.

42. Ривожланган демократик давлатларда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти.

43. Мустақил Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг демократияни ривожлантиришдаги роли.

44. Демократик сайловларда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ўрни. Ўзбекистонда кўп партиявийлик асосида парламентнинг шаклланиши.

45. Кучли ижтимоий ҳимоя тушунчаси ва унинг моҳияти.

46. Бозор муносабатлари шароитида кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг аҳамияти.

47. Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан ўзаро алоқалари.

48. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги.

49. Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги.

50. Ўзбекистоннинг шарқ давлатлари билан икки томонлама алоқалари.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор талабанинг берилган мавзулар (амалий масалалар, топшириқлар ва кейс-стадилар)ни мустақил равишда, яъни аудиториядан ташқарида бажариши, ўқиб ўрганиши ва шу йўналиш бўйича билим ва қўнималарини чуқурлаштиришига қаратилади. Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- мустақил ишлар, кейс-стадилар билан ишлаш;
- маҳсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- фанга оид маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан талабаларнинг мустақил ишларини реферат, семинар, маъруза тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзуларини тўлдиришга харакат қилиниши лозим.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ:

1. Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг вужудга келиши ва уларнинг дастурларида инсонпарварлик, миллий қадр-қиммат фояларининг вужудга келиши.
2. Ўзбекистонда миллий онгнинг ўсиб бориши, ўзек тилига давлат тили мақомини берилиши, мустақиллик йўлидаги дастлабки қадамлар.
3. Ўзбекистонда парламентаризмнинг ривожланиши.
4. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари.
5. Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари.
6. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши
7. Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлида.
8. Демократия – Ўзбекистон тараққиётнинг бош йўли.
9. Ўзбекистон давлат рамзларининг ишлаб чиқилиши ва қабул килиниши.
10. Ўзбекистон Республикасининг янги конституцияси.
11. Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг жорий этилиши ва унинг сиёсий аҳамияти.
12. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари.
13. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши функциялари ва фаолияти.
14. Демократик жамият тушунчаси. Демократиянинг халқаро миқёсида эътироф этилган тамойиллари.
15. Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва уларнинг кафолатлари.
16. Ўзбекистонда миллатлар ўртасида тотувликнинг таъминланиши.
17. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётининг ўтиш зарурияти, мақсадлари, шарт-шароитлари.
18. Республикада бозор муносабатларини шакллантиришни босқичмабосқич амалга ошириш.
19. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришда давлатнинг роли.
20. Ўзбекистонда Миллий истиқлол мағкурасининг яратилиши ва унинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти.
21. Маънавий меросни тиклаш маънавий камолотнинг мухим омили.
22. Демократик жамиятда фан тараққиётининг ўзига хос тамойиллари.
23. Диний фундаментализм маънавий камолотнинг кушандасидир.
24. Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёsat асосларининг ишлаб чиқилиши ва унинг тамойиллари.
25. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиши.
26. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа доктринаси.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанини ўқитишида замонавий (хусусан, интерфаол) методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация (медиатаълим, амалий дастур пакетлари, тақдимот шаклида, электрон-дидактик) технологияларни қўлланиши назарда тутилади. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанида электрон дарсликдан, мавзуга оид компакт-дисклардан ва бошқа кўргазмали қуроллардан фойдаланилади.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 2011
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-18 жиллар. Т. Ўзбекистон. 1996-2010.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.-Маънавият. 2008
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. - Ўзбекистон. 2010
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. - Ўзбекистон. 2011.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Эргашев.И ва бошқалар. ”Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”. Дарслик. Т.: Академия, 2005.
2. Азизхонов А.Т. ва бошқалар. ”Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”. Т.: “ДИТАФ”.2001.
3. Бўриева М. ”Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” ўқув қўлланма. Т.: ТДЮИ, 2006.
4. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти институтлари. Ўқув қўлланма.- Тошкент: Akademiya, 2006.
5. Отамуротов С., Қувватов Н. Кучли давлатдан — кучли жамиятга: Олий ўқув юртлар учун ўқув қўлланма (муаллифлар жамоаси). Истиқлол, демократия фуқаролик жамияти. — Т.:2003.
6. Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислоҳотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболлар. - Т.: “Академия”, 2010.
7. Ўзбекистон: сиёсий ислоҳотлар стратегияси, эришилган натижалар ва истиқболлар. - Т.: “Академия”, 2010.
8. Ўзбекистонда давлат қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар ва хуқукий сиёsat: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи. - Т.: “Академия”, 2010.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абулқосимов Х. ва бошқалар “Ижтимоий иқтисодий жараёнларни бошқариш” -Т., “Ғафур Гулом”, 2007.
2. Абулқосимов Ҳ.П., Ваҳобов А.В., Раҳимова Д.Н., Норбоев В.И. Ўзбекистонда иқисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари. —Т.: ТДТУ, 2001.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. —Т.: Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1993.
4. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. — Т.: «Ўзбекистон», 2011.
5. Азизхўжаев А.А. Демократия — халқ ҳокимияти демакдир. — Т.: 1996.

6. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. — Т.: «Шарқ», «Академия», 2001.
7. Азизхўжасв А.А., Хусанов О.Т., Азизов Х. Конституциявий ҳукуқ. — Т.: «Академия», 2001.
8. Жалолов А. ва Хоназаров Қ. умумий таҳририда. Мустақиллик: изоҳли-илмий оммабоп луғат. Т., «Шарқ», 1998.
9. Жўраев Т.А. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. — Т.: «Академия», 2007.
10. Жалилов Ш. Кучли давлатдан — кучли жамият сари: Тажриба, таҳлил, амалиёт. — Т.: «Ўзбекистон», 2001,
11. Жумаев Р.З. ва бошқ. Сиёсий ислохотлар стратегияси. “Академия” Т. 2009.
12. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (илмий-таҳлилий мақолалар тўплами). — Т.: 2003.
13. Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. — Т.: «Шарқ», 1998.
14. Зокиров С. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари асосида. — Т.: «Меҳнат», 1999.
15. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти — Т.: “Шарқ” НМК, 1996.
16. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.
17. Маънавият — масъуллик, 1-2китоб (Маънавият нашрлари. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази). — Т.: 1997.
18. Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. — Т.: «Ўзбекистон», 1998.
19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.:2000.
20. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси — Т.: 1997.
21. Назаров Қ., Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти -Т., “Faafur Fulom”, 2008.
22. Норбоев Т. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим таянчи. // Ҳуқуқ ва бурч. 2010 йил № 6 (54)
23. Отамуротов С. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш. Жамият ва бошқарув. 2-сон, 2003.
24. Отамуротов С. Ҳокимият ва демократия мутаносиблиги. — “Таълим тизимида ижтимоий- гуманитар фанлар”, 1-2-сонлар, 2003.
25. Умаров Б. Ғарб ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси такомили. — Т.: Академия, 2010.
26. Хайтов Ш. Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш. —Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.
27. Раҳмонов А. ва бошқалар “Давлат қурилиши ва бошқаруви” -Т., “Faafur Fulom”, 2007.
28. Пахрутдинов Ш., Жўраев Т. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Ўқув кўлланма. —Т., “Faafur Fulom”, 2008.

29. Тараққиётнинг ўзбек модели. —Т.: «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2002.
30. Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. —Т.: «Ўзбекистон», 1998.
31. Холбеков А. Демократия ва ижтимоий адолат. Жамият ва бошқарув, 1998, №1.
32. Холбеков А., Жумаев Р., Умарова Н. ва бошқалар “Бошқарувнинг ижтимоий сиёсий йўналишлари” -Т., “Ғафур Ғулом”, 2008.
33. Шарофуддин Али Яздий. Зафарнома. — Т.:»Шарқ», 1997.
34. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамияти. —Т.: «Шарқ», 2003.
35. Эргашев И. Ҳаётнинг ҳар они фалсафа. —Т.: «Академия», 2011.
36. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. — Т.: «Академия». 2000.
37. Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. — Т.: «Академия», 2002.
38. Эргашев И. ва бошқ. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. —Т.: “Академия”, 2004.
39. ЯковлевА.Н. Қайтадан кашф этилган мамлакат. (Сўз боши ўрнида) «Халқ сўзи», 9 феврал 2001 йил.
40. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. — Т.; «Шарқ», 2000.
41. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши / Тўпловчилар: В.Т. Абдуллаев, А.В. Тё, Я. Семененко, Р. Шоғуломов, Қ.А. Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида. - Т: «Ўзбекистон», 1992.
42. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мағкуралар, сиёсий маданиятлар. — Т.: «Шарқ», 1998.
43. Ғуломов М. Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси. — Т.: «Адолат», 2003.
44. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати – Т: “Ғафур Ғулом”, 2009. 148 бет
45. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг Ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
46. Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан. –Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2011. 112 б.

Электрон таълим ресурслари:

1. Халқ сўзи газетаси – www.infoXS.Uz
2. Туркистон газетаси – www.turkistonsarkor.uz
3. Маърифат журнали – www.ma'rifat-inform.uz
4. Жамият ва бошқарув журнали – www.rzultacademyfreenet.uz
5. Мозийдан садо журнали – www.moziy.dostlink.net
6. Ташки ишлар вазирлиги – www.mfa.uz
7. Зиёнет – www.ziyonet.uz